

**Отақулов О.Ҳ.**

Фарғона политехника институти ректори

**Мирзакаримова М.**

Фарғона политехника институти

"Иқтисодиёт" кафедраси доценти, и.ф.н.

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА

***Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг тармоқ тузлишини ўзгартириш ва тубдан янгилаш унинг мустақиллиги ва тараққиётининг муҳим шартли ҳисобланади. Чунки собиқ иттифоқдан мерос бўлиб қолган тармоқ тузлиши бир ёқламаликка ва асосан, хом ашё, оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган эди. Бу албатта, республика иқтисодиётини марказга, бошқа собиқ иттифоқдош республикаларга боғлиқ ва тобе бўлиб қолишига олиб келган эди.***

Бундай иқтисодиёт алоҳида республикаларни иқтисодий жиҳатдан марказга қарамликда тутиб туриш ва эркин фаолият учун тўсқинлик қилишга қаратилган эди. Республикамиз Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришларни иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида белгилади, ўзининг "Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида", "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" каби асарларидан тортиб, "Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир", "Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиликлар ва иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсадидир", "Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир", "Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фа-

ровонлигини оширишга хизмат қилади", деган асарларида ҳамда "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да давлат мустақиллигимизни иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлашдаги унинг аҳамиятини, ислохотларнинг ҳар бир босқичига тегишли чора-тадбирларни кўрсатиб берди: "...қарийиб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида ... тарихан қисқа бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни қўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи ошиб бормоқда"<sup>1</sup>.

Келтириб ўтилган асарларда пахта яккаҳоқимлиги ва унинг салбий оқибатлари таҳлилига кенг ўрин берилган. Дарҳақиқат, маъмурий –буйруқбозлик тизими даврда такрор ишлаб чиқариш нисбатлари-

1 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: "Ўзбекистон", 2010. 5-6-бетлар.

нинг қўпол равишда бузилиши ижтимоий – иқтисодий оқибатларни келтириб чиқарди. Бу маҳаллий иқтисодиётни қайта қуриш ва саноат куч-қудратини ошириш вазибаларини устувор ҳал қилишда ўз ифодасини топди.

Мамлакат ялпи маҳсулоти қийматининг таркибида қарийб уч чораги ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келди. Бу аҳоли учун мўлжалланган товарлар ҳар бир сўмига уч сўмлик машина, металл, ёқилғи, барча ишлаб чиқариш воситалари тўғри келишини билдиради. Мазкур нисбатлар иқтисодиёт таркибининг нотўғри шаклланишини ифодалайди, оқибатда истеъмол соҳаси ривожланишининг чекланиши, ресурс салоҳиятида унинг паст ҳиссаси, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши каби салбий жараёнлар кузатилди. Бу эса ўз навбатида, ишловчиларнинг меҳнат мотивациясини, меҳнат фаоллигини пасайтирди, иқтисодиётдаги самарадорлик камайди.

Ўзбекистон бошқа иттифоқдош республикалар қатори ўша пайтда амалда бўлган инқирозни тўлиқ бошдан кечирди, уни тўла асос билан таркибий, деб номлаш мумкин.

Марказнинг таркибий сиёсати иттифоқ ичидаги ижтимоий меҳнат тақсимотини шундай белгиладики, республикалар, айниқса, Марказий Осиё минтақаси иқтисодиётини уларда мавжуд бой табиий – хом ашё ресурсларини ҳисобга олиб, хом ашё етказиб берувчилар сифатида ихтисослаштирди. Ўзбекистон бозор тизимидаги ўтиш билан мустақил ривожланиш йўлини бошлаган даврда иқтисодиётнинг ана шундай бир томонлама ихтисослаштирилишига эга эди.

Адолат юзасидан таъкидлаш жоизки, республика иқтисодиёти иттифоқда бўлган йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида пахта ишлаб чиқаришни (алоҳида йилларда 6 млн. тоннагача) кўп мартага оширди, саноатда, асосан, маҳаллий минерал – хом ашё ресурсларига асосланган янги тармоқлар пайдо бўлди ва маҳсулот ҳажми анча ошди. Буларнинг ҳаммаси республикага хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Таркибан бу ривожланиш республиканинг миллий манфаатларига жавоб бермайди. Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши тармоқлари “тўплами”, улардан айримларининг ривожланиш даражаси ва суръатлари мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш та-

лабларига жавоб бера олмади. Хўжалик тармоқларини таркибий бирлаштириш, уларни ҳудудий жойлаштириш марказ халқ хўжалиги мажмуасининг таркибий қисми сифатида қурилган ҳамда бутун иқтисодиёт иттифоқ манфаатлари ва вазибаларига бўйсундирилган эди. Республикада вужудга келган макроиқтисодий вазият шундай сиёсатни акс эттирдики, бунинг натижасида у амалда арзон хом ашё, стратегик минерал ресурслар етказиб берувчиси ва тайёр маҳсулотни сотиш бозорига айланиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси нималарда аниқ ифодаланди? Биринчидан, республика бой табиий, хом ашё, меҳнат ресурсларига эга бўлгани ҳолда ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган товарларнинг 65% гачасини бошқа республикалардан киритишга мажбур бўлди. Нефть (8 млн. тоннагача), қора металллар, пахта, кимё ва машинасозлик саноати тайёр маҳсулоти катта ҳажмларда ташиб кетилди. Ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган дон, гўшт, қанд ва ҳ.к. лар ҳамда халқ истеъмоли товарларининг кенг доираси эса импорт қилинди.

Иккинчидан, республика иттифоқда пахта хом ашёсининг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳисоблангани ҳолда пировард маҳсулот олиш (газлама, тикувчилик буюмлари) учун фақат 10-12% толани ўзида қайта ишлаган, холос. Қолган ҳаммаси марказ ташқи савдо режаларига мувофиқ, хорижий мамлакатларга сотилган. Натижада технологик жиҳатдан пахтани қайта ишлаш ягона цикли босқичлари ўртасидаги ҳозиргача таъсир кўрсатаётган номутаносиблик вужудга келди: пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш ва уни толага бирламчи қайта ишлаш нисбатан етарли даражада ривожлангани ҳолда, ип йигирув – тўқув ва тикувчилик ишлаб чиқариши каби босқичлар, илгари қайд этилганидек, 10-12% дан кўп бўлмаган толани қайта ишлаш имкониятини берди. Тайёр маҳсулот савдоси хом ашё савдосига қараганда, фойдалироқ эканлиги ҳисобга олинса, республикада вужудга келган бундай номутаносиб таркибий тузилиш туфайли катта иқтисодий зарар кўрилганлиги аён бўлади. Бу бир томондан, бошқа томондан – тўқимачилик ва тикувчилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш – бу қўшимча ишчи ўринлари, демакдир. Бу ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган республика учун жуда муҳим.

Учинчидан, саноатнинг кўпгина тармоқлари тугалланган технологик циклга эга ишлаб чиқариш сифатида вужудга келди. Бу ерда ишлаб чиқариш бирламчи қайта ишлаш ва яримфабрикатлар тайёрлаш босқичида якунланади. Масалан, кимё, металлургия ва бошқа ишлаб чиқаришларда – нитрон, капролактама, кимё толаси, қора, рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш даражасида технологик жараён тўхтатилади.

Тўртинчидан, республикада иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор аграр йўналиши юзга келди. Бу эса қишлоқ хўжалигига боғлиқ барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифасини қўйди. Унинг ишлаб чиқариш фаолияти натижалари иқлим шароитларига боғлиқ равишда жиддий тебранишларга тортилди.

Бешинчидан, республика ривожланган инфратузилма тизимига эга бўлмади. Ваҳоланки, бундай тизим ишлаб чиқариш – молиявий мажмуанинг ривожланишига ҳамда жамият аъзоларига маданийлашган хизмат кўрсатилишига қулайроқ шароитлар яратиб бериши мумкин эди.

Бундан ташқари, қайд этилган ва бошқа омиллар республикага мерос бўлиб қолган иқтисодиёт таркиби деформацияланган хўжалик белгиларига эга бўлганлигидан далолат беради.

Республикада мустақиллик қўлга киритилиши билан иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий таркибини тубдан қайта қуриш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришда йўл қўйилган номутаносибликларни тугатиш, халқ хўжалигининг хом ашёга йўналтирилганлигидан воз кечиш зарурияти аниқланди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш унинг бой ресурсларга эга эканлигини ҳисобга оладиган таркибни яратишдир.

Мавжуд номутаносибликларни тугатиш ва чуқур таркибий ислоҳотларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашиш асосий шартларидан бири бўлиб қолди. Шу сабабли мамлакатда мустақилликка эришиш билан таркибий ислоҳотлар, мазкур муҳим муаммони муваффақиятли ҳал қилиш вазифалари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш давлат сиёсатининг мазмунини ташкил этади. Ислоҳотларнинг

дастлабки кунларидан бошлаб стратегик жиҳатдан муҳим вазифа, яъни радикал таркибий ўзгаришлар учун қандай ва қайси йўналишларни белгилаш зарур, деган вазифа қўйилди. Буни ҳал қилиш устидан жавобгарлик иккита муҳим ҳолат билан белгиланади:

Биринчидан, жаҳон иқтисодий андозалари талабларига мувофиқликни, яъни иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш зарурлиги билан;

Иккинчидан, иқтисодий ўсишни, демакки, мамлакат ижтимоий ривожланиши барқарорлигини таъминлаш билан.

Иқтисодиётни таркибий қайта қуришнинг концептуал йўналишларини танлаш у амалга ошириши мумкин бўлган ислоҳотлар вазифаларидан ҳамда тамойилларидан келиб чиқиши керак. Вазифалар, энг аввало, иқтисодиёт таркибининг совет тузумидан мерос бўлиб қолган камчиликлари билан белгиланади.

Ўз кўламлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти бўйича вазифалар йирик молиявий ва моддий маблағларни, жиддий ташкилий ишларни талаб қилади. Шу сабабли принципал шароитларни оқилона ишлаб чиқмасдан туриб, қўйилган вазифаларни асослаш мумкин эмас.

Республика иқтисодиётини таркибий қайта қуришнинг асосий принципал шarti давлатнинг бу жараёнда фаол иштирок этишидир. Таркибий ислоҳотлар – иқтисодиётни ислоҳ қилиш бутун жараёнининг муҳим таркибий қисмидир. Бу ерда давлат мазкур жараённинг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида чиқади. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, мақсадга йўналтирилган таркибий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг роли жуда катта.

Давлат марказлашган молиявий маблағларнинг асосий тасарруф этувчиси сифатида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ташкилотчиси бўлиб, иқтисодиёт устувор тармоқларини ривожлантириш учун, янги истиқболли ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун зарур имтиёзли шароитларни яратади. Давлатнинг ташкилотчилик ролисиз нефть ва газ янги конларини, минерал – хом ашё ресурсларини ўзлаштириш, ўз автомобилларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, самолётсозликни ривожлантириш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириб бўлмас эди.

Устувор, истиқболли тармоқларни танлаш иккинчи муҳим шарт бўлиб, улар иқтисодиётни ривожлантириш, муҳим ижтимоий – иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш учун асос бўлиши зарурлигидир. Кўп сонли лойиҳалар бўйича куч ва маблағларнинг сочилиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Учинчи шарт ҳам катта аҳамиятга эга: кадрларни кенг миқёсда тайёрлаш, уларни ўқитиш ва қайта ўқитиш, ишчилар малякасини ошириш зарурлиги, бу янги тармоқларнинг яратилиши, амалдаги корхоналарни қайта шакллантириш, янги технологияларни жорий этиш кабилардир.

Давлат сиёсати иқтисодиёт таркибини ўзгартиришга ва шу асосда республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини ҳамда халқнинг муносиб турмуш шароитларини таъминлашга қодир, мутлақо янги хўжалик мажмуасини яратишга қаратилгандир.

Қўйилган вазифаларга мувофиқ, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ҳам ишлаб чиқилган.

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибини қайта қуриш. Республиканинг кўплаб тармоқ ва корхоналарининг фаолияти, бутун аҳолининг фаровонлиги кўп даражада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига боғлиқ. Шу сабабли қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ва таркибий муносабатларни ислоҳ қилишга катта аҳамият берилмоқда. Энг аввало, пахта яккаҳоқимлигини тугатишга қаратилган экин майдонларини камайтириш ва дон мустақиллиги муаммосини ҳал қилиш манфаати йўлида ғаллачиликка мўлжалланган экин майдонларини кўпайтириш талаб қилинди. Ислоҳотларгача бўлган даврда пахта экин майдонлари 2 млн. га дан ортиқроқни ташкил этарди, айна пайтда барча турдаги дон экинлари 880 минг га ерларга экиларди. Кейинги йилларда пахта билан банд ерлар 1,5 млн. га даражасида барқарор ўрнатилди. Бунда фақат дон экинлари экиладиган ерлар 1580 минг га гача, жумладан, суғориладиган майдонлар кўпайтирилди. Пахта билан бир қаторда, дон ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигига ихтисослашган тармоқлардан бири бўлиб қолди. Бундан ташқари, картошка ва бошқа озиқ-овқат экинлари ишлаб чиқариш кенгайтирилди.

Иккинчидан, саноатдаги таркибий ўзгаришлар давлат сиёсатида кўзланган устуворликларга мос келади ва рақобатбардош таркибни шакллантириш вазифасини ҳал

этишга қаратилган. Бу ўзгаришлар, энг аввало, республиканинг ёқилғи – энергетика мустақиллиги муаммосини таъминлади. Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ сингари кучли конларнинг ўзлаштирилиши 1997 йилдаёқ 8 млн. тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқаришга имкон берди, бу томонларнинг уни харид қилиши муаммосини амалда ҳал этди. Йилига 2,5 млрд. тонна<sup>1</sup> ҳажмда газ конденсатини қайта ишлашни кўзда тутадиган Бухоро (Қоровулбозор ш.) нефтни қайта ишлаш заводининг ишга тушиши ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкциялаш бензин ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, авиация ёқилғиси, минерал ёғларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди. Республикага нафақат ички эҳтиёжларни қондириш, балки нефть ва газ конденсатининг экспортини ўстириш имкониятини ҳам яратди.

Нефть-газ саноатини ва республика бутун иқтисодиётини ривожлантиришда Марказий Осиёда полиэтилен ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича йирик Шўртан (Қашқадарё вилояти) газ-кимё мажмуасининг қурилиши ва ишга туширилиши билан боғлиқ равишда катта истиқболлар очилмоқда.

Ёқилғи – энергетика мажмуаси янги электростанцияларнинг энергия қувватлари билан тўлдирилмоқда: Янги Ангрен ГЭС да қуввати 300 млн. кВт ли энергия блоки қурилишга киритилди, Марказий Осиёда йирик Толимаржон ГРЭС ининг 800 минг кВт қувватга эга бўлган биринчи блокининг қурилиши тугалланмоқда. (Унинг умумий қуввати 3,2 млн. кВт ни ташкил қилади).

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехник, электрон тармоқлар, самолётсозлик ва бошқа шу сингари юқори қўшилган қийматли, илғор фан сиғимли ишлаб чиқаришларни янги техник ва технологик асосда устувор ривожлантириш халқ хўжалиги мажмуаси тармоқ таркибини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши бўлиб қолди. Пахта мажмуаси ва бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун машина ва механизмлар ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги республика машинасозлик мажмуасида ўзига хос мавқени эгаллайди. Уни илғор хорижий фирмалар: Америка “Кейс корпорейшн”, немис “Лемкен”, “Кро-

1 Данилов А.С., Юлдашев З.Ю. Национальная экономика. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003. С 138.

не” ва бошқа фирмалар билан ҳамкорликда ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган.

Республикада мутлақо янги ҳисобланган автомобилсозлик, микробиология, қанд ишлаб чиқариш каби тармоқлар яратилди ва муваффақиятли амал қилмоқда. Шундай ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш муаммоси катта аҳамият касб этиб, улар бўйича бутловчи жиҳозлар ва материаллар мамлакат ташқарисидан олиб келинмоқда.

Ягона мажмуада ўзаро боғланган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш барча турдаги ресурслар, маҳаллий хом ашёдан самаралироқ фойдаланишга ҳамда янги ишчи ўринларининг яратилишига ёрдам беради. Бу машинасозлик мажмуасини таркибий такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Тўртинчидан, таркибий ўзгаришларнинг яна бир муҳим йўналиши кимё ишлаб чиқаришидаги ўзгаришлардир. Ушбу соҳани ривожлантириш, энг аввало, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишга – уни минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоялаш воситалари ва бошқалар билан таъминлашга қаратилган. Бунинг учун республикада газ, газ конденсати, нефть, олтингурут (кумуш), фосфоритлар каби фойдали қазилмаларнинг катта табиий захиралари мавжуд.

Мамлакатда 1998-2002 йиллар даврида кимё саноатини ривожлантириш Дастури амалга оширилди. Амалдаги корхоналар қаторига янгилари қўшилмоқда: Қизилқум фосфорит комбинати, Қўнғирот сода заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва бошқалар.

Бешинчидан, республика саноатини ривожлантириш дастурларида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қайта ишловчи саноат тармоқлари ҳам устувор тармоқларга киради. Республикада амалга оширилаётган қайта ишлаш тармоқлари корхоналарини техник қайта қуроллантириш, енгил ва озиқ-овқат саноати янги корхоналарини ташкил қилиш жараёнлари қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг муҳим турлари – пахта, ипақ, озиқ-овқат, узумчилик маҳсулотлари ҳамда сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган. Айниқса, ип йигириш, тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик каби ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғимли тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан боғлиқ ра-

вишда республикада қайта ишланадиган пахта толаси ҳиссасини 28-30% гача етказиш – иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланмоқда.

Республикада мавжуд тўқимачилик саноати корхоналарига қўшимча Нукус, Самарқанд, Наманган ва бошқа шаҳарларда янги мажмуалар қурилишга топширилди. Лойиҳа қуввати 17 минг тонна ва 10 млн. погон метр калава ипга эга бўлган, экспортга йўналтирилган “Қобул-Тўйтепа Текстиль” (Тошкент вилояти) ўзбек – Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳамда тайёр буюмлар ишлаб чиқариш учун “Қаштекс” ўзбек-туркия мажмуаси сингари йирик тўқимачилик корхоналарининг қурилиши ва фойдаланишга топширилиши республиканинг катта ютуғи ҳисобланади. Тўқимачилик ишлаб чиқаришининг фақат ушбу икки гиганти 5 минг кишидан ортиқ ишчи кучини иш билан таъминлайди.

Олтинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари, жумладан, муҳандислик коммуникациялари тизими, транспорт ва алоқа тармоқлари ҳам устувор ривожланишга эга бўлмоқда. Республикада темир йўлларнинг янги турлари қурилди, уларни электрлаштириш давом эттирилмоқда. Транспорт барча турларининг ҳаракатчан таркиби парки янгиланмоқда. Мамлакат учун катта, стратегик аҳамиятга эга бўлган Тошкент – Ўш автойўли, “Қамчиқ” ва “Резак” довонида тоннеллар қурилиши муваффақиятли якунланди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси республика транспорт мажмуаси тизимида муҳим ўрин тутди. У замонавий авиалайнерлар билан жиҳозланган (“Боинг - 767”, “А-310”, “RJ -85”) жаҳон авиация ҳамкорлигига интеграциялашди ва жаҳоннинг етакчи авиакомпаниялари билан рақобатлашмоқда.

Бундан ташқари, телекоммуникация тармоғи ва алоқасини ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Уларни ривожланиш даражаси бўйича яқин вақтлар ичида халқаро стандартлар талабларигача кўтариш вазифаси қўйилмоқда. Телекоммуникация соҳасида “Сименс” немис фирмаси ва “СТЕТ Интернейшнл” итальян фирмаси билан республиканинг шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва ривожлантириш бўйича қўшма корхоналар ташкил этилди.

Еттинчидан, таркибий сиёсатни амалга оширишда иқтисодиёт ҳудудий таркибини янада такомиллаштириш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таҳлилларга кўра, республиканинг вилоятлари ўртасида иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича жиддий тафовутлар аниқланди. Кучсиз ривожланган минтақалар иқтисодиётида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ҳамда табиий ва меҳнат ресурсларидан комплекс фойдаланишга эришиш борасидаги ҳудудий номутаносибликларни бартараф қилиш аҳоли турмуш даражасини кескин ошириш учун ҳам асос яратади.

Бозор муносабатлари ривожланишининг мазкур босқичида бошланган иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш таркибий қайта қуриш жараёнини ҳам ўзига тортади. Жараёни амалга оширишда оғирлик маркази бевосита корхонага аралашиб орқали секин-аста номарказлашиши керак бўлиб, улар корхонани техник қайта қурулантириш масалаларини мустақил ҳал қилишлари, бозор инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда ўз ишлаб чиқариши профилини аниқлашлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси ФА ИИ илмий маърузасида таъкидланганидек, иқтисодиётнинг прогрессив таркиби – бу тармоқ ва фаолият турлари бўлиб, улар ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиётини жорий этишни, иқтисодий ўсиш барқарор суръатларига унинг мувозанати шароитида эришиш имконини берадиган ишлаб чиқариш ресурсларининг оқилона истеъмолини таъминлайди.

Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг кўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилган. Жумладан, улар учун 2012 йилнинг 1 январигача қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда:

- гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

- тайёр ноозиқ-овқат товарларининг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва

мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги №ПҚ-1050 сонли қарори билан тасдиқланган ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари айрим товар гуруҳларини ишлаб чиқарувчилар учун қуйидаги имтиёзлар ва преференциялар кўзда тутилган:

- Фойда солиғи, мулк солиғи, кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловидан, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод этиш;

- Импорт қилинадиган ноозиқ-овқат халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, Республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом-ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувчи йиғимлардан ташқари) озод этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга киритилмаган ноозиқ-овқат халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом-ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини (божхона расмийлаштирувчи йиғимлардан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга узайтириш.

Ўзбекистоннинг таркибий ўзгаришлар борасидаги сиёсатининг муваффақияти давлат ва жамиятнинг барча соҳалардаги, шу жумладан, таълим тизимидаги чуқур ислохотлар билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни ҳаётий заруратга айлантirdи. 1992 йилда “Таълим тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги биринчи ва жуда муҳим қадам бўлди. Ушбу қонунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари белгилаб қўйилган.

“Таълим тўғрисида” ги қонун қабул қилингандан сўнг янги ўқув режалари, дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратишга киришилди. Таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш йўлга қўйилди. Айти вақтда янги турдаги таълим муассасалари ташкил этила бош-

ланди. Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳудудий йўналишга ўтказиш чора-тадбирлари қўрилди. Ўқув юртлари тармоғи кенгайди, университет таълими ривожланди.

Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, уларга кўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус жамғармалар ташкил этилди. Шунга қарамасдан, амалга оширилган ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлай олмади. Айниқса, кадрлар тайёрлаш тизими Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги яққол кўзга ташланди. Таълим муассасаларида ўқув жараёнининг моддий-техник асоси бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди. Шу билан бирга, уларда юқори малакали педагог кадрлар, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган ўқув-услубий ва илмий адабиётлар жуда кам эканлиги аён бўлди. Таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги пухта ўзаро ҳамкорлик ва фойдали интеграциянинг мавжуд эмаслиги кадрлар тайёрлаш тизимидаги энг жиддий камчиликлардан бири эди.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида 1997 йилдан бошлаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширишга киришилди.

Ўзбекистонда биргина “2010 – баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 трлн. сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 трлн. сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 трлн. сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 трлн. сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган<sup>1</sup>. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитларига қарамасдан амалга оширилаётган бундай

тадбирлар келажакда ўз самарасини беради.

Ўзбекистон таълим тизимида берилаётган билимлар ва касбий кўникмаларнинг мазмуни, мутахассислар тайёрлаш таркибини кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг инновацион янгиланиши ва бутун жамият талабларига жавоб берадиган тарзда ислоҳ қилишни давом эттириш керак. Дарсликлар кўп, аммо ўзининг илмий моҳиятига кўра эскирган, ёки унча яхши бўлмаган илмий нашр ҳисобланади. Бозорга хизмат кўрсатиш бўйича битирувчи- мутахассисларнинг (иқтисодчилар, юристлар, маркетинглоглар ва ҳ.к.) ортиқча тайёрланиши натижасида уларнинг кўплари олинган мутахассислиги бўйича иш топа олмай қолмоқдалар. Шу билан бир қаторда, муҳандислик ва агрономлик мутахассисликлари бўйича ўқувчилар сони кескин қисқарди. Уқитувчилар иш ҳақини ошириш ва мактабларни интернетга улаш муаммолари таълим соҳасидаги миллий лойиҳалар доирасида ҳал қилинади. Таълим дастурлари ўзгартирилди ёки энг мақбул даражага келтирилди. Инновацион бозорда етарли касбий тайёрланишга эга бўлган олимлар, конструктор-инженерлар, технологлар, техниклар, малакали ишчилар оддий етишмовчилиги туфайли техника янги авлодларини ўзлаштириш мумкин бўлмай қолди. Меҳнат ресурсларининг ортиқчалигини меҳнат эмигрантлари ҳисобига бир мунча барта раф қилишга эришилмоқда. Давлат хизматчилари, иккинчи профессионал мутахассислик олишни хоҳловчиларни ўқитишга бюджет харажатларини молиялаштиришдан воз кечмаслик зарур. Чунки давлат хизматчиларининг касбий даражасини ошириш, уларнинг кўпчилигига махсус бошқарув маълумоти бериш стратегик онгнинг кучайишига ҳамда қабул қилинаётган қарорларнинг юқори самарадорлигига олиб келади. Малакали ишчи кучи тақчиллиги муаммоси ҳал этилмаса, инновацион-технологик бурилиш, иқтисодий ўсиш ва мамлакат ҳаётидаги илғор таркибий силжишлар – тўхтаб қолиши мумкин.

Малакали ишчи кучининг тақчиллиги барча соҳаларда ишловчилар меҳнатининг унумдорлиги ва касб-корлик даражаси ўсиши ҳамда бозор инфратузилмаси соҳаси учун мутахассисликлар бўйича иш жойларини қисқартириш, касбий таълим таркибини ўзгартириш ҳисобига инновацион – инвестицион ва истеъмолчилик

1 Каримов И. А. Асосий вазифамиз – ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010. 75-бет.

соҳалари фойдасига касбий таълим таркибини ўзгартириш билан қопланиши зарур.

Таълим тизимини ривожлантиришнинг "Миллий дастури" таълимдаги инқирозни бартараф қилиш ва инқилоб олиб боришга, жаҳон цивилизациясининг инсонпарвар – ноосфера шароитларига татбиқан унинг инновацион трансформациясига, Ўзбекистоннинг янги таълим ғоясини шакллантириш ва амалга оширишдаги етакчилигига қаратилган. Бундай узоқ муддатли стратегиянинг асосий жиҳатлари қуйидагилар:

1. Таълим тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболи қуйидагиларни ҳисобга олади:

- Ўзбекистон аҳолиси сони ва ёш таркибининг ўзгариши;
- Инновацион – технологик бурилиш ва иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар шароитида ишловчилар касбий таркибидаги силжишлар;
- Ҳозирги ва янги авлодлар томонидан постиндустриал илмий ғояларни илжи боришга тўла ҳажм ва қисқа муддатларда ўзлаштириш зарурлиги, бу эса кишиларнинг такрор ишлаб чиқариш ва ҳаёт фаолияти янги шароитларига жадал мослашиш имкониятини беради;
- Постиндустриал илмий ғояларни тез ўзлаштириш, ёш авлодда инновацион руҳни юзага келтириш учун ахборот йўлларида фойдаланиш эҳтиёжлари;
- Узлуксиз таълим тизими ва масофавий ўқитишнинг ривожланиши.

2. Олий давлат даражасида таълим тизимини ривожлантириш стратегиясида иқтисодиёт эҳтиёжларини ҳисобга олиб, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг мақсади ва йўналишлари қуйидагича белгиланган бўлиши керак: уни узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш асосий кўрсаткичлари; мазмуни ва ахборот – технологик асосини инновацион янгилаш та-

моийллари; ўқитувчилар таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишлари; таълимнинг ташкилий шакллари; фан ва таълимни интеграциялаш усуллари.

3. Таълим соҳасида миллий дастур ва унинг вақтинчалик доираларини кенгайтириш. Ўқитиш мазмунини яхшилаш, ахборот йўллари таълим патенти билан тўлдириш, мамлакатнинг инновацион – технологик ва ижтимоий – иқтисодий ривожланишини ҳисобга олиб, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таркибини ўзгартириш.

4. Таълим сифатини ошириш учун интернет ва телевизион хабарлардан фаол фойдаланиш, миллий таълим ахборот тармоғини, интернет сайтлари ва порталларини, таълим теледастурларини шакллантириш.

Шу асосда масофавий ўқитишни ривожлантириш янги ғоя, янги билим ва кўникмалар унсурларини танлаб ўзлаштириш имкониятини беради.

5. Иммигрантлар учун таълим тизимини шакллантириш, шу жумладан, чет элга чиқиш учун хорижий тилларни ва зарурий ихтисосликни ўргатишни ҳамда янги яшаш ва иш жойи бўйича фаол қайта тайёрлаш ва ўқитишни ташкил қилиш.

6. Глобал таълим инқилобида нафақат Ўзбекистон олий ўқув юртларида хорижий мутахассислар ва педагогларни ўқитиш орқали, балки МДҲ давлатлари ва бутун дунё мамлакатларида ўқув юртлари очиш ва улар учун ўқитувчилар тайёрлаш йўли билан ҳамда чет тилларида масофавий ўқитишни ташкил қилиш йўли билан ҳам фаол иштирок этиш. Бу Ўзбекистоннинг таълим хизматлари экспортидан оладиган даромадларини кўп мартага оширади ва чет элликлар билан ишлашни яхшилашга ёрдам беради.

---

---

### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: "Ўзбекистон", 2010.
2. Данилов А.С., Юлдашев З.Ю. Национальная экономика. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003.
3. Каримов И. А. Асосий вазифамиз – ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, "Ўзбекистон", 2010.